

Ўзбекистон Республикасида фан ва инновация

2024 йил учун

- I. Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ташкилотлар сони
- II. Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ходимлар сони
- III. Илмий тадқиқот ва ишланмаларга қилинган харажатлар
- IV. Жорий қилинган инновациялар сони
- V. Юклаб жўнатилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми
- VI. Инновацияларга харажатлар (технологик, маркетинг ва ташкилий)
- IX. Услубий маълумотлар

I. Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ташкилотлар сони

Ўзбекистон Республикасида **2024 йилда** илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ташкилотларнинг умумий сони **264 тани** ташкил этди. Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ташкилотларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳрида **135 тани (жамига нисбатан улуши 51,1 %)**, Фарғона вилояти **21 та (8,0 %)** ва Тошкент вилоятида **18 тани (6,8 %)** ташкил этган. Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларни бажарган ташкилотлар нисбатан кам ҳудудлар сифатида Жиззах вилояти **4 та (1,5 %)**, Навоий ва Наманган вилоятларида **5 тадан (1,9 % дан)** қайд этилган.


Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ташкилотлар сони ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2024 йил охирига, бирлик)

	Умумий сони	Жамига нисбатан улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	264	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	8	3,0
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	8	3,0
Бухоро	14	5,3
Жиззах	4	1,5
Қашқадарё	7	2,7
Навоий	5	1,9
Наманган	5	1,9
Самарқанд	16	6,1
Сурхондарё	6	2,3
Сирдарё	8	3,0
Тошкент	18	6,8
Фарғона	21	8,0
Хоразм	9	3,4
Тошкент ш.	135	51,1

II. Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ходимлар сони

Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ходимларнинг умумий сони **37 164 тани** ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан **260 тага** ёки **0,7 %** га ошган.

Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларни бажарган ходимларнинг сони (тегишли йил охирига, бирлик)



Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ходимлар сонини ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2024 йил охирига, бирлик)


	жами	Жамига нисбатан улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	37 164	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	2 000	5,4
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	2 359	6,3
Бухоро	2 317	6,2
Жиззах	520	1,4
Қашқадарё	1 005	2,7
Навобий	1 373	3,7
Наманган	1 232	3,3
Самарқанд	3 332	9,0
Сурхондарё	778	2,1
Сирдарё	882	2,4
Тошкент	1 949	5,2
Фарғона	2 111	5,7
Хоразм	2 256	6,1
Тошкент ш.	15 050	40,5

2024 йилда Илмий тадқиқот ва ишланмаларни бажарган ходимларнинг нисбатан энг кўп қисми Тошкент шаҳрида – **15 050** тани (**жамига нисбатан улуши 40,5 %**), Самарқанд вилоятида – **3 332** тани (**9,0 %**) ва Андижон вилоятида **2 359** тани (**6,3 %**) ташкил этган. Илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларни бажарган ходимлари нисбатан кам ҳудудлар сифатида Жиззах вилояти – **520** та (**1,4 %**), Сурхондарё вилояти – **778** та (**2,1 %**) ва Сирдарё вилоятида **882** та (**2,4 %**) қайд этилган.

III. Илмий тадқиқот ва ишланмаларга харажатлар

Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда илмий тадқиқот ва ишланмаларга харажатлар қиймати ҳажми **1 574,1** млрд сўмни ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан **184,9** млрд сўмга, ёки **13,3 %** га ошган.

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларига харажатлар қиймати
(тегишли йил охирига, млрд сўм)



2024 йилда илмий тадқиқот ва ишланмаларга харажатларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳрида – **68,4 %** (**1 077,2** млрд сўм), Навоий – **13,7 %** (**215,2** млрд сўм) ва Тошкент – **7,9 %** (**125,1** млрд сўм) вилоятларида кузатилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан кам кўрсаткичлар эса Жиззах вилояти – **0,2 %** (**2,7** млрд сўм), Қашқадарё вилояти – **0,2 %** (**3,7** млрд сўм) ҳамда Андижон вилоятида **0,3 %** (**4,2** млрд сўм) қайд этилган.

Илмий тадқиқот ва ишланмаларга харажатларнинг
ҳудудлар кесимида тақсимланиши
(2024 йил охирига, млрд сўмда)

	Ҳажми	Жамига нисбатан улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	1 574,1	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	17,9	1,1
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	4,2	0,3
Бухоро	43,3	2,8
Жиззах	2,7	0,2
Қашқадарё	3,7	0,2
Навоий	215,2	13,7
Наманган	8,5	0,5
Самарқанд	26,0	1,7
Сурхондарё	17,2	1,1
Сирдарё	4,6	0,3
Тошкент	125,1	7,9
Фарғона	17,9	1,1
Хоразм	10,6	0,7
Тошкент ш.	1 077,2	68,4

IV. Жорий қилинган инновациялар сони

2024 йилда жорий қилинган инновациялар сони **5 521 тани** ташкил этиб, улардан **4 889 таси** технологик инновациялар, **240 таси** маркетинг инновациялар ҳамда **392 таси** ташкилий инновацияларни ташкил қилди.

Жорий қилинган инновациялар сони
(тегишли йил охирига, бирликда)




Худудлар кесимида жорий қилинган инновациялар сони
(2024 йил учун, бирликда)

	Технологик инновациялар	Маркетинг инновациялар	Ташкилий инновациялар
Ўзбекистон Республикаси	4 889	240	392
Қорақалпоғистон Республикаси	123	10	4
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	262	8	2
Бухоро	186	4	5
Жиззах	252	-	3
Қашқадарё	104	3	1
Навоий	340	2	10
Наманган	157	-	3
Самарқанд	1 051	62	67
Сурхондарё	336	2	-
Сирдарё	149	-	42
Тошкент	325	56	97
Фарғона	132	2	29
Хоразм	193	5	1
Тошкент ш.	1 279	86	128

V. Юклаб жўнатилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми

Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда юклаб жўнатилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми **63 604,4 млрд сўми** ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан **7 857,9 млрд сўмга**, ёки **14,1 %** га ошган.

Инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми, млрд сўм



2024 йилда юклаб жўнатилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажмининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрида **26 123,5 млрд сўм (41,1%)**, Андижон – **16 572,8 млрд сўм (26,1 %)** ва Жиззах вилоятларида – **9 277,8 млрд сўм (14,6 %)** кузатилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан кам кўрсаткичлар эса Наманган – **154,6 млрд сўм (0,2 %)** ва Самарқанд вилоятлари – **280,9 млрд сўм (0,4 %)** ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида **262,6 млрд сўм (0,4 %)** қайд этилган.

Юклаб жўнатилган инновацион товарлар, ишлар ва хизматлар ҳажми ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2024 йил охирига, млрд сўмда)

	Ҳажми	Жамига нисбатан улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	63 604,4	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	262,6	0,4
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	16 572,8	26,1
Бухоро	4 292,8	6,7
Жиззах	9 277,8	14,6
Қашқадарё	525,1	0,8
Навоий	931,7	1,5
Наманган	154,6	0,2
Самарқанд	280,9	0,4
Сурхондарё	307,9	0,5
Сирдарё	616,9	1,0
Тошкент	1 599,3	2,5
Фарғона	633,3	1,0
Хоразм	2 025,2	3,2
Тошкент ш.	26 123,5	41,1

VI. Инновацияларга харажатлар (технологик, маркетинг ва ташкилий инновациялар)

2024 йилда инновацияларга харажатлар **9 739,3 млрд сўмни** ташкил этиб, 2023 йилга нисбатан **877,2 млрд сўмга ёки 8,3 %** га камайганлиги қайд этилди.

2024 йилда инновацияларга харажатларнинг энг кўп қисми Тошкент шаҳрида – **41,8 % (4 072,0 млрд сўм)**, Навоий – **27,3 % (2 658,1 млрд сўм)** ва Хоразм – **13,9 % (1 349,5 млрд сўм)** вилоятларида кузатилган бўлса, бошқа ҳудудларга нисбатан кам кўрсаткичлар эса Наманган – **0,4 % (43,0 млрд сўм)** ва Бухоро вилоятлари – **0,6 % (54,6 млрд сўм)** ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида **0,6 % (60,9 млрд сўм)** қайд этилган.

Инновацияларга харажатлар ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2024 йил охирига, млрд сўмда)

	Жами харажатлар	Жамига нисбатан улуши, % да
Ўзбекистон Республикаси	9 739,3	100,0
Қорақалпоғистон Республикаси	60,9	0,6
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	573,5	5,9
Бухоро	54,6	0,6
Жиззах	77,5	0,8
Қашқадарё	123,0	1,3
Навоий	2 658,1	27,3
Наманган	43,0	0,4
Самарқанд	102,7	1,1
Сурхондарё	68,4	0,7
Сирдарё	159,4	1,6
Тошкент	286,5	2,9
Фарғона	110,2	1,1
Хоразм	1 349,5	13,9
Тошкент ш.	4 072,0	41,8

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни бажарган ташкилотлар сони.

Бажарилган илмий-тадқиқот ишлари ҳажми.

Жорий қилинган инновациялар сони.

Корхона ва ташкилотларнинг инновацион ҳажми.

Корхона ва ташкилотларнинг инновацион харажатлари.

VII. Услубий маълумотлар

Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари (ИТТКИ)

– бу билимларни ошириш мақсадида олиб бориладиган ва шу билан бирга инсоният, маданият ва жамият ҳақидаги билимларни оширишга қаратилган ижодий фаолиятдир.

Олий таълимдан кейинги таълим докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Илмий-тадқиқот ходимлари – ижодий фаолияти тизимли равишда илмий билимлар ҳажмини оширишга ва ушбу билимларни қўллашнинг янги йўналишларини топишга қаратилган, шунингдек илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ хизматлар кўрсатадиган жисмоний шахслар.

Инновация – янги ёки такомиллаштирилган маҳсулот, хизмат, технология ёки ташкилий ечимнинг пайдо бўлиши ва бозорда илгари сурилишига олиб келадиган илмий-техник фаолият натижаси ҳисобланади.

Инновациянинг минимал белгиси – Бу корхона амалиётида маҳсулот, жараён, маркетинг ҳамда ташкилий усуллар янги ёки қисман такомиллаштирилган бўлиши, яъни бошқа корхоналарда аниқ бу инновацияни ишлатиш мумкинлиги, лекин ушбу корхона учун у янги бўлиши лозим.

Инновацияларнинг тўрт тури мавжуд: маҳсулот, жараён, маркетинг ва ташкилий инновациялар.

Маҳсулот ва жараён инновациялари технологик инновациялар ҳисобланади.

Маҳсулот инновациялари бу – маълум бир корхонада ишлаб чиқаришга киритилган хусусиятлари ёки фойдаланиш усуллари бўйича янги ёки сезиларли даражада яхшиланган маҳсулотлар (товарлар ёки хизматлар).

Жараён инновациялари – ишлаб чиқариш, логистика ва маҳсулотни етказиб беришда технологик жиҳатдан янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни, шу жумладан барча технологик жараёнларга дастурий таъминотни жорий этишни ўз ичига олади.

Маркетинг инновацияси – янги ёки сезиларли даражада такомиллаштирилган маркетинг усулларини амалга ошириш.

Ташкилий инновациялар – бизнес юритишда, иш жойларини ташкил қилишда ёки ташқи алоқаларда янги усулларни жорий этишга қаратилган.

Фойдали ҳаволалар:

Инновация соҳасида статистика кўрсаткичларини шакллантириш бўйича услубий Низом

Инновацияларга оид маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш бўйича тавсиялар (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ)

Европа ҳамжамияти статистика бюросининг учинчи таҳрири (Евростат), “Осло қўлланмаси–2018”

Тайёрлаш учун масъул:
Ижтимоий соҳа статистикаси бошқармаси

Манзил: 100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Эл. манзил: info@stat.uz
Тел.: 71-203-80-00 (13-05)

